


16-мавзу: Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви

Режа:

- 1. Бугунги кунда жадал ўзгариб бораётган жараёнлар ҳамда жиддий таҳдид ва хатарлар*
- 2. Глобаллашув шароитида манфаатлар тўқнашуви ва минтақавий хавфсизлик*
- 3. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш — жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масала*
- 4. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва унинг асосий принциплари*



XX аср 90-йилларининг бошларига келиб СССРда мураккаб вазият вужудга келди

Зўравонликка асосланган, маъмурий-буйруқбозликка хос бўлган марказлашган давлат сақланиб қоладими ёки демократик жараёнлар чуқурлашиши эвазига иттифоқдош республикалар суверенитети таъминланадими

Ўша даврдаги СССР раҳбарияти мамлакат ичкарасидаги вазиятни тўғри баҳолай олмади.


СССР Олий Совети ҳам, СССР Президенти ва Ҳукумати ҳам инқироз ҳолатидан чиқишнинг йўлини топа олмади.

90-йилларнинг бошларига келганда Марказ ва иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, марказий ҳокимиятнинг обрўйи путурдан кетди.

Сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаёти издан чиқди. Оқибатда турмушнинг барча соҳаларидаги салбий аҳволдан халқнинг кун сайин норозилиги ортиб, турмуш даражаси ёмонлаша бошлади.

Ислом Каримов фаолияти туфайли 1989-1992 йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатда қуйидаги натижаларга эришди.

1. Ички ва ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга бўйсиндирилди.
2. Мустақил ташқи сиёсат – мустақил миллий давлатчиликнинг энг муҳим атрибути эканлигига эътибор берилди.
3. Жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқлар асосида аъзо бўлди.




Ташқи сиёсат ички сиёсатдаги қуйидаги муаммоларни ечимини топиш билан бирга қўшиб олиб борилди

1. “Пахта иши” номи остида Гдлян ва Иванов бошчилигидаги қатағонларга чек қўйиш. Минглаб одамларга нисбатан адолатни, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, халқимизнинг пок номини қайта тиклаш.
2. СССРни қайта тиклаш ва ГКЧП қарорлари нотўғри эканлигига халқни ишонтириш.
3. Хориждан аҳолига халқ истеъмоли моллари харид қилиш билан бирга ишлаб чиқариш асбоб ускуналари ва техника сотиб олиш.
4. Хорижий капитал учун қулай инвестицион муҳит яратиш орқали янги корхоналарни барпо қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш.
5. Хорижий шериклар билан теппа –тенг ишлаш ва рақобат қилишга лаёқатли мутахассисларни тайёрлаш.

Оқилона ва дадил ташқи сиёсат натижасида мустақилликка эришганимизнинг бир йиллига арафасида дунёнинг ўттиз мамлакати Ўзбекистон Республикасини таниди ва тан олди. Америка Қўшма Штатлари, Канада, Туркия, Япония, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой сингари йирик давлатлар ана шулар жумласидандир.

Бу мустақилликка
ишончни
мустаҳкамлади,
келажакка йўлимизни
очиб берди





“...жаҳонга, бутун дунёга олиб чиқадиган йўлимизни кенгайтирамиз. Сизларга маълум, тараққий этган мамлакатлар учта муҳим масалага эътибор беришмоқда: инсон ҳуқуқлари, демократия ва сармоя учун кафолат масаласи. Биз ана шу масалаларни эътиборда тутиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш чораларини кўряпмиз”

Президент томонидан ташқи иқтисодий алоқалар қуйидагича ўртага қўйилган:

- ▶ ...биз шерикларимиз ўз мажбуриятларини қатъий бажарган ҳамда бу муносабатлар фойдали ва тенг ҳуқуқли бўлган тақдирдагина уларнинг илтимосини қондирамиз.

Кейинчалик биз барча ресурсларимиз сарфланадиган устун жиҳатларни пухта аниқлаб олишимиз зарур. Бунда биринчи галда нефть ва нефть маҳсулотлари, дон ва ун, гўшт, сут, қанд-шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, ёғоч-тахта, металл, асбоб-ускуналар ва техника харид қилишимиз зарурлигига асосланишимиз лозим. Бизга ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасини ошириш, одамларни иш билан таъминлаш учун замонавий ихчам технологиялар зарур.

**Хорижий давлатлар билан алоқаларни
ривожлантиришда мутахассис кадрлар асосий рол
ўйнашини таъкидлаб Президент шундай дейди:**

Агар бошқа минтақалар ва бошқа минтақаларнинг вакиллари ҳамда хорижий шериклар билан теппа-тенг ишлаш ва рақобат қилишга лаёқатли, аъло даражали мутахассисларни тайёрлаш ва саралаб олишнинг ўйлаб тузилган системасини ҳаракатга келтирмасак, унда истиқболимизга умид қилмаса ҳам бўлади. Бизни жаҳон иқтисодий тараққиёти йўлининг чеккасига улоқтириб ташлашади.

Тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида

- ▶ Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида мустақил, изчил ва ташаббускор ташқи сиёсат юритиб келаётган суверен давлатдир. Ўзбекистон 60 дан ортиқ нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДҲ аъзосидир. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 144 мамлакат тан олган, 131 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Дунёнинг 46 давлатида мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари (элчихоналар, консулликлар), Тошкентда эса 60 дан ортиқ элчихона ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

2-масала. Жаҳон ҳамжамияти сари қўйилган дадил қадамлар

XX асрнинг 90-йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европа мамлакатларида қарийб ярим аср ҳукм сурган тоталитар давлат тузуми инқирозга юз тутиб, демократик тартиботлар қарор топа бошлади. Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, унинг ўрнида бир неча мустақил республика, Чехословакия Социалистик Республикаси иккига бўлиниб, Чехия ва Словакия суверен давлатлари вужудга келди. Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси бирлашиб, немислар яшайдиган улкан ҳудудда ягона давлат пайдо бўлди. Айни чоғда собиқ СССР парчаланиб, унинг ўрнида мустақил тараққиёт йўлини танлаган 15 мамлакат ташкил топди.

**«Халқларнинг озодлик,
мустақиллик, бахт-саодатга
азалий интилиши, ўз
тақдирини ўзи белгилашга
азму қарори ҳаётдаги чуқур
ўзгаришларни ҳаракатга
келтирувчи кучдир»**

И.А.Каримов



ЎЗБЕКИСТОННИНГ
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИДАГИ
ТАШАББУСЛАРИ ВА МИНГ
ЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ
МАҚСАДЛАРИНИНГ АМАЛГА
ОШИРИЛИШИНИ ХАЛҚАРО
МИҚЁСДАГИ ЭЪТИРОФИ



2010 йил 20-СЕНТЯБРЬ
БОШ АССАМБЛЕЯНИНГ 65-СЕССИЯСИ
МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ
МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

A decorative graphic element in the bottom left corner, consisting of a red triangle with a black border and a white diagonal line, pointing towards the center of the page.

Ўзбекистоннинг йирик халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкиоти фахриети даражасидаги ташаббуслари бўлган жаҳон республика янгилик эмас. Чунки БМТнинг нуфузли тузилмаси Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сонини кўпайтириш, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш, халқаро терроризмга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш бўйича мамлакатимиз раҳбарининг таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган.



БОШ АССАМБЛЕЯ ЯНГИ ЙИГИЛИШИНИНГ БИРИНЧИ ИШ
КУНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСОМҚАРИМОВ НУТҚ СЎЗЛАДИ



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚИДАГИ ҚУЙИДАГИ ГЛОБАЛ МУАММОЛАР КЎТАРИЛДИ



- ▶ 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон муаммоси ва бу муаммони ҳал этишни ҳарбий йўл билан эмас балки унинг муқобил йўллари топиш масаласи;
- ▶ 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Буни олдини олиш учун холис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принциплар позицияси Қирғизистон жанубида қирғиз ва ва камсонли ўзбекларнинг мурасага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин;
- ▶ Марказий Осиёда экологик мувозанатни бузилишига олиб келаётган Орол муаммоси. Орол бўйи ҳудуди иккита асосий манба – Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. “Қуриб бораётган Орол муаммоси – ушбу минтақада яшаётган БМТдек нуфузли ташкилотларга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир”;
- ▶ Ўзбекистонда Мингйиллик рвиожланиш мақсадларини амалга оширилишининг таҳлили.

АФҒОНИСТОН МУАММОСИ

- ▶ 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғанистон муаммоси ва бу муаммони ҳал этишни ҳарбий йўл билан эмас балки унинг муқобил йўлларини топиш масаласи;



ҚИРҒИЗИСТОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

- ▶ 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Буни олдини олиш учун холис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғиз ва камсонли ўзбекларнинг мурасага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин.



ОРОЛ МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ

- ▶ Марказий Осиёда экологик мувозанатни бузилишига олиб келаётган Орол муаммоси. “Қуриб бораётган Орол муаммоси – ушбу минтақада яшаётган БМТдек нуфузли ташкилотларга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидар”.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ


Орол бўйи ҳудуди иккита асосий манба – Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур минтақадаги шундоқ ҳам заиф экологик вазиятни бутунлай издан чиқариб юбориши мумкин.




- ▶ Орол денгизи куругунга кадар дунёда катталиги жихатдан 4-ўринда турар ЭДИ



- ▶ Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлиб, бир авлод давомида деярли қуриб йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.




- ▶ Чанг ва туз шамоллари орқали денгиз олди аҳолиси орасида анимия, ошқозон раки, овқат хазм қилишни бузилиши, жигар ва буйрак касалликлари кўп учрамоқда.




МИНГ ЙИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯ

- ▶ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2000 йилнинг 8 сентябрида қабул қилинган Минг йиллик Декларация жаҳон ҳамжамияти томонидан 2015 йилга қадар амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берган эди



МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИДА ҚҰЙИДАГИ ВАЗИФАЛАР ҚҰЙИЛГАН:

- ▶ Қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;
- ▶ Умумий бошланғич таълимни йўлга қўйиш;
- ▶ Аёллар ва эркеклар тенглигини рағбатлантириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;
- ▶ Болалар ўлимини камайтириш;
- ▶ Оналикни ҳимояланишини кучайтириш;
- ▶ ОИТС/ОИВ ҳамда ўта юқумли касалликларга қарши кураш;
- ▶ Экологик барқарорликни таъминлаш;
- ▶ Тараққиёт мақсадларида глобал ҳамкорликни шакллантириш.



МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ

Мингйиллик ривожаниш декларациясининг биринчи йўналиши жаҳон миқёсида глобал муаммо сифатида сақланиб келаётган қашшоқликка барҳам бериш вазифаси белгиланган. Муаммонинг долзарблиги шундаки, жаҳон аҳолисининг 27 фоизи ёки 1 миллиард 400 миллион одам қашшоқликда, 64 миллион одам эса ўта қашшоқликда кун кечирмоқда. Қашшоқликнинг жаҳон миқёсида кўпайиб кетишига жаҳонда юз бераётган модиявий-иқтисодий инқироз катта таъсир кўрсатди.



МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – МИНГ ЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

- ▶ Ҳозирда ривожланаётган мамлакатлардаги 69 миллион болалар умуман мактабга бормайди. Бу кўрсаткич жами болаларнинг 89 фоизини ташкил этади. Бир қатор мамлакатларда 30 фоиз болалар бошланғич мактабни тамомлай олмайдилар. Шунинг учун ҳам Мингйиллик ривожланиш мақсадларида ҳамма давлатлардан 8-10 йиллик мажбурий таълимни йўлга қўйиш сўралади.




АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ЎЛИМИНИ КАМАЙТИРИШ

- ▶ Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг яна бир муҳим йўналиши оналар ва болалар ўлимини олдини олиш масаласидир. Бугун жаҳонда бу борадаги статистикага эътибор берилса, ҳақиқатдан ҳам жаҳондаги энг йирик халқаро тузилма бу йўналишда фаолият кўрсатиши шарт эканлигига амин бўласиз. Ҳар йили жаҳонда 350 мингдан ортиқ аёллар ҳомиладорлик даврида ёки туғруқ даврининг оғир кечиши натижасида ҳалок бўлади. Африкадаги баъзи мамлакатларда ҳар 30 та туғруқдан биттаси ўлим билан яқунланади. Натижада ҳар йили 1 миллиондан ортиқ болалар онасиз қолади. Энг ачинарлиси шуки, ана шу етим қолган болаларнинг 10 тадан биттаси албатта, вояга етмасдан нобуд бўлади.




Хулоса қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 65-сессиясида сўзлаган нутқи жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини яна бир бор Марказий Осиёдаги мураккаб муаммоларни ҳал этиш йўлларига қаратди.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир муҳим кўрсаткичларини таҳлил этиб берди.



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ МДХ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ МИНСКДА БЎЛИБ ЎТГАН САММИТИДАГИ НУТҚИДА ҚУЙИДАГИ ГЛОБАЛ МУАММОЛАР КЎТАРИЛДИ


- ▶ Давлатимиз раҳбари МДХ Давлат раҳбарларининг Минскда бўлиб ўтган саммитидаги нутқида “бутун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани”ни алоҳида таъкидлади.
- ▶ Давлатимиз раҳбари ўз нутқида уч долзарб масалани кўтарди. *Биринчиси* – МДХнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, истиқболи ва келажагини қандай тасаввур этишимиздан иборат. Зеро, МДХ – Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ва сиёсий манфаатлари маконидир. Бу эса кўпгина омиллар билан боғлиқ.



- ▶ “Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафкуриси нафақат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалгани, балки ушбу жараён миллий чегара билмаслиги ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, - деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари. – Айнан шу сабабли, МДҲга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларни пайдо бўлиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур”.
- ▶ Сўнгги йилларда дунёда наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб, уларни истеъмол қилиш миқёси кенгайиб бормоқда. Наркомафия катта иқтисодий салоҳиятга эга глобал кучга айланмоқда ва унинг молиявий имкониятлари дунёнинг кўплаб давлатлари бюджетидан анча юқоридир. Халқаро наркомафия беқарор ҳудудлар, янги тўқнашув ва низоларнинг пайдо бўлиши, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий кескинликнинг узоқ давом этишидан манфаатдордир. Ҳар бир беқарор, нотинч мамлакат эса наркобизнес ва наркотрафик учун “ишончли бозор” ҳисобланади.




- ▶ *Иккинчи* масала – бу 2014 йилнинг охирига қадар Афғонистондан АЙСЕФ тинчликпарвар кучларининг чиқарилиши, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий синов бўлади.
- ▶ Бугун дунёдаги аксарият мамлакатлар ва халқаро экспертлар ҳамжамияти афғон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли – бу жафокаш Афғонистон давлати муаммосининг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро қурашаётган турли томонлар ўртасида БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва муросага келиш зарур, деган хулосага келмоқда.
- ▶ Ўзбекистон географик, геосиёсий ва геоиқтисодий омилларга кўра, Афғонистон билан қўшни давлатлар орасида муҳим ўрин тутади. Шу боис Ўзбекистоннинг Ташқи сиёсат фаолият концепциясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашиш, минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Афғонистондаги зиддиятни ҳал этишга қаратилган сиёсий ва иқтисодий ечимларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда.



- ▶ Мамлакатимиз Президенти ҳали 1993 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеясининг юксак минбаридан туриб, Афғонистондаги мавжуд вазият ўзаро қурашаётган гуруҳлар ўртасида мулоқот ўрнатиш учун мувофиқлаштирилган халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилаётганлигини таъкидлаган эди. 1997 йилда Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ шафелигида “6+2” (Покистон, Эрон, Хитой, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда кафил мамлакатлар – АҚШ ва Россия) мулоқот гуруҳи ташкил этилди. Ушбу гуруҳ фаолияти самарасида 1999 йил 21 июлда ўзаро қурашаётган томонлар иштирокида Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисидаги Тошкент декларацияси имзоланди.
- ▶ Ушбу ташаббуснинг давоми сифатида 2008 йилда Ўзбекистон Президенти томонидан “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи илгари сурилди. Мазкур босқичда мавжуд воқелик эътиборга олиниб, бу гуруҳ таркибига қўшимча равишда НАТОни ҳам киритиш, мулоқот гуруҳи фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифасини БМТ Бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус вакили зиммасига юклаш таклиф этилди. Ушбу гуруҳнинг мақсади Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича муаммони ҳал этишнинг тинч ва мақбул йўлини топиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат эди.

- ▶ Яна бир муҳим масала – бу МДҲ маконида мамлакатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришдир. Ўзбекистон 2013 йил 31 май куни МДҲ доирасида Эркин савдо зонасини ташкил этиш шартномасига қўшилди. Ўзбекистоннинг МДҲ эркин савдо зонасига қўшилиши айни пайтда иқтисодий сиёсатнинг мақбул вариантыдир. Бизнесни юритиш учун нафақат қулай ишбилармонлик муҳити, балки товарларни сотиш имконияти мавжуд бўлиши ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, МДҲ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтирмоқда ва чуқурлаштирмоқда. Масалан, 2012 йилда мамлакатимизнинг жами экспорти 13,1 млрд.долларни ташкил қилган бўлса, шунинг 70 %дан ортиғи ноҳом ашё тайёр маҳсулотлар улушига тўғри келади.



ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!

